

Эртага ноннинг нархи юз сўмга кўтарилса, ана унда кўринг томошани! Интернет ахборот манбалари бамисли "портлайди"! Ўзларидан сохта қаҳрамон, халқ дардини баралла айтувчи довжурок блогерларни ясаб оладиганлар кўпаяди. **2**

Янги Солиқ кодексини ишлаб чиқишда на Молия вазирлиги, на Давлат солиқ қўмитаси мутасаддилари, қолаверса, халқ вакилик органи бўлган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам бу ҳолатга эътибор беришмагани боис айни вақтда босма нашрлар мазкур ҳолатга дуч келмоқда. **3**



Хомернинг "Илиада" ва "Одиссея" асарларида фақат шеърлар, афсоналар ва ривоятларгина эмас, реал тарихий воқеалар ҳам акс этган. Ушбу асарлар жаҳон адабиётига катта таъсир ўтказган. **4**

Уйда қолинг!

**Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси**

2020 йил

3 июнь

ЧОРШАНБА

№ 38 (13299)

@haqiqatonline

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Давра суҳбати

Муҳим масалалар ечимига эътибор қаратилди

Олий Мажлис палаталари Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан биргаллик давлатимиз раҳбарининг коронавирус пандемиясига оид фармонлари ва қарорлари ижроси юзасидан маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб бормоқда.

Куни кеча вилоят ҳокимлиги биносида Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раиси К. Бурханов, Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасида доимий ишловчи сенатор М. Қадирхановалар раҳбарлигида Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг мавжуд 8 та доимий комиссияси раислари, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, вилоят прокурори, вилоят Ички ишлар бош бошқармаси бошлиқлари иштирокида ўтказилган давра суҳбатида мана шу жиҳатга эътибор қаратилди.

Тадбирда ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари, коронавирус пандемияси, глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий таъсирини камайтириш мақсадида кўрилатган чора-тадбирлар, жорий йил учун қўшимча инфратузилма лойиҳаларининг ишлаб чиқиши, жойларда ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча захираларнинг аниқлиши ҳолатлари, камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан бугунги кунда амалга оширилаётган ишлар самардорлиги ҳақида фикр алмашилди.

Давра суҳбатида карантин шароитида аҳоли, иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга яратилаётган имкониятлар, қўшимча имтиёз ва энгилликлар бериш бўйича кўрилатган чоралар, "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида амалга оширилаётган ташаббусларда фаол иштирок этаётган тадбиркор ва фермерларни қўллаб-қувватлаш, имтиёзлар бериш ҳамда уларнинг муаммоларини ҳал этишда сектор раҳбарларининг масъулиятини ошириш ва Кенгаш олдида белгиланган график асосида ҳисобот беришлари тўғрисида келишиб олинди.

Шунингдек, карантин даврида "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида амалга оширилаётган ишларни рўйхатга олиб бориш юзасидан ташкил этилган "Темир дафтар"ларни тўғри ва ҳаққоний юритилиши, эҳтиёжманд оилалар ва фуқароларга манзилли ёрдамлар кўрсатилиши, бунда хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиши кераклиги ҳақида сўз борди. Юқорида таъкидланган вазифаларни шаффофлик билан амалга оширишда депутатларнинг ўрни муҳим экани ургуланди.

(Давоми 2-саҳифада)

Пилламизнинг инаклари тиллодан



Айни дамларда вилояти-қизгин кечмоқда. Туман пиллакорлари ҳар дақиқани ганимат билиб, ҳосилни вақтида топшириш ҳаракатидалар.

Таъкидлаш жоизки, бу йилги пандемия шароитидаги қийин вазиятда ҳам туманда пилладан юқори ҳосилдорликка эришиш учун барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

Маълумотларга кўра, бу мавсум туманда асосан Хитойдан келтирилган 1 минг 806 қути ипак курти уруғи парваришланди. Уруғларнинг 408 қутиси касаначиларга, қолган 1 минг 400 таси эса фермер

ҳўжаликларига тарқатилди.

Мавсум давомида "Био Фарм Элит" масъулияти чекланган жамияти томонидан курт боқувчиларга формалин, тўшамма қоғоз, термометр каби зарурий инвентар жиҳозлар

Мавсум

ўз вақтида етказиб берилди. Қолаверса, пиллакорларга аван сифатида 50 килограмм ун, 10 литр усимлик ёғи, 300 минг сўм пул тарқатилди. Асосийси, етиштирилган ҳар килограмм пиллага ўртача 20 минг сўмдан ҳақ тўланапти.

(Давоми 2-саҳифада)



ҲАҚИҚАТ ЧОРИФИНИ КИЙГУНЧА, ЁЛҒОН ДУНЁНИ АЙЛАНИБ ЧИҚАДИ...МИ?

Бугун инсоният чинакам ахборот замонида яшамоқда. Глобал тармоқлар шу қадар кенг қулоқ ёйдики, курраи замин "торайиб", худдики Хўжақўрган кишлоғидек бўлиб қолди.



Назорат

ҚУРИЛИШДАГИ ҚИНҒИРЛИКЛАР

билан асло мураса қилиб бўлмайди

Сўнги йилларда мамлакатимизда кенг миқёсда ободонлаштириш, қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Мақсад аҳолига ҳар томонлама қулайлик яратишдан иборат. Албатта, қурилиш-таъмирлаш ишларининг сифати унга ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланишига боғлиқ. Шу боис, прокуратура органлари томонидан қурилиш объекти учун давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши юзасидан доимий назорат ўрнатилган.



"Анд-Тех-Над" МЧЖ раҳбари Бўстонлик туманидаги 15-сонли умумтаълим мактабини мукамал таъмирлашда талон-торожликка йўл қўйиб, мансаб сохтакорлигида ифодаланган жиноятни содир этган.

(Давоми 2-саҳифада)

Эътибор

Бу йил коронавирус пандемияси сабабли Бўстонлик туманида, хусусан, вилоятимизда ҳам Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни кенг қўламда нишонланмади. Аммо, жойларда карантин чекловлари ва санитария-гигиена талабларига қатъий риоя қилган ҳолда кўплаб болаларнинг кўнгли олинди, уларга байрам қувончи улашилди.

Болаларга қувонч улашилди



Вилоят ҳокими ташаббуси билан Тошкент вилояти Халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги Мехрибонлик уйлари ва мактаб-интернатларида ўтказилган байрам тадбирларида жами 368 нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар қатнашди. Мазкур тадбирларда вилоят Халқ таълими бошқармаси, вилоят прокуратураси, жойлардаги туман (шаҳар) ҳокимлари, прокурорлари ва халқ таълими бўлими мудири иштирок этиб, болажонларни байрам билан қутлашди ва уларга эсдалик совғалари улашишди.

Шунингдек, муассасалар-

да болалар учун кўнгли чар тадбирлар уюштирилиб, ўқувчилар томонидан ёд олинган шеърлар, кўшиқлар, рақслар ҳамда саҳна кўринишлари нағмойиш этилди. Ҳомийлар томонидан тарбияланувчилар учун байрам дастурхонлари тузалди.

Вилоят "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамияти минтақавий бўлими томонидан мазкур муассасаларга спорт жиҳозлари тарқатилди.

Шунингдек, вилоятда истиқомат қилувчи 61 нафар патронат (оилага тарбияга олинган) болаларга ҳам вилоят ҳокимлиги ва халқ таълими бошқармаси томонидан совғалар берилди.

Худди шундай тадбирлар Бекобод, Чиноз, Қибрай, Янгийўл туманлари ва Чирчиқ шаҳридаги Мехрибонлик уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда ҳам ўтказилиб, тарбияланувчиларга турли хил ўйинчоқлар ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Муҳим масалалар ечимига эътибор қаратилди

Учрашувда вилоят Кенгаши ва унинг доимий комиссиялари иш фаолиятини яхшилаш борасида қатор таклифлар муҳокама қилинди. Жумладан, юридик ва жисмоний шахсларга берилган кредитлар фоиз ставкаларини камайтириш, қабул қилиниши режалаштирилган ҳужжатлар лойиҳаларини депутатлар муҳокамасига бериш, қурилиш ташкилотлари ва қурувчиларни ҳимоя қилувчи қонун ҳужжатлари ишлаб чиқиши таклифлари муҳокама этилди.

Тадбирда, шунингдек, вилоятнинг барча шаҳар-туманлари Кенгашларининг сессиялари ўтказилгани тўғрисидаги ҳисоботлар тингланди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур сессияларда давлатимиз раҳбарининг

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



"Коронавирус пандемияси даврида озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси, шунингдек, "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги масалалар бўйича мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботлари тингланди.

Бундан ташқари, сессиялар кун тартибидея коронавирус пандемияси даврида бюджет барқарор-

лигини таъминлаш, инвестициялар жалб қилиш, камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик соҳасига имтиёзли кредитлар ажратиш, эҳтиёжманд оилаларга манзилли ёрдам кўрсатиш каби масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Давра суҳбати якунида қабул қилинган қарорларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишида маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ролини янада кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Пилламузнинг ипаклари тиллодан



– 45 йилдан бери ипак қурти боқиш билан шуғулланаман, – дейди илгор пиллакор Уриной опа Матросимова. – Бу борада анча тажрибам бор. Аввало, қурт боқиладиган хона ҳарорати меъёрида бўлиши, қонаверса, озукани вақтида бериб, до-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

имо назорат қилиб туриш керак. Озгина бепарволик қуртларнинг касалликка чалиниши, ҳатто, нобуд бўлишига олиб келади. Бу йил фарзандларим ва набираларим билан 2 куни ипак қуртини парваришладик. Қувонарлиси, кумушдек жиполанаётган толаларни туманда биринчилардан бўлиб топширдик. Меҳнати-

мизга яраша яхшигина даромадли бўлди.

Дарвоқе, янгийўллик пиллакорлар жорий мавсумда қарийб 100 тонна қимматбахо хом ашё етиштиришни режалаштиришган. Жараёнинг кетишига қараганда, режа бажарилади-ёв...

Оҳангарон тумани пиллакорлари ҳам кумуш тола ҳосилини тарози палларига қўйишмоқда. Бу йил туманда пилла етиштириш режаси 1 минг 909 қурти, яъни 105 тонна этиб белгиланган бўлиб, шундан баҳорги мавсумда жами 1 минг 477 қурти, биринчи мавсумда 200 қурти, иккинчи мавсумда 1 минг 277 қурти боқиш кўзда тутилган. Қолган 432 қурти ипак қурти учинчи ва тўртинчи мавсумда тутилади. Бугунги кунгача пиллакорлар томонидан 651 кг. кумуш тола топширилди.

Зухриддин РАҲМОНОВ
Тўшкент ҲАҚИҚАТИ
Мансур ҲИММАТОВ
олган суратлар

Қурилишдаги КИНФИРликлар билан асло мураса қилиб бўлмайди

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилнинг 15 июнидаги тегишли фармойиши билан Тошкент вилоятида ижтимоий ва инфратузилма объектлари қурилиши учун 1,1 трлн. сўм миқдорда қўшимча маблағлар ажратилган эди. Ушбу маблағлар ҳисобидан жами 127 та объект, жумладан, 71 та соғлиқни сақлаш, 56 та умумтаълим мактаби бунёд этилиши, реконструкция қилиниши ва капитал таъмирланиши, 34 та ичимлик ва оқова сув объекти ҳамда 504 км. умумфойдаланувдаги ва ички йўл объектлари қурилиши ва таъмирланиши режалаштирилган.

Ҳозирда мазкур 127 та объектдан 118 тасида қурилиш ишлари якунланиб, фойдаланишга қабул қилиш қарорлари расмийлаштирилган. Яна 9 тасида йилдан-йилга ўтувчи қурилиш объекти сифатида қурилиш ва таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда.

Мазкур қурилишларга давлат бюджетидан ажратилган катта миқдордаги маблағларнинг мақсадли сарфланиши ҳамда қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишларининг сифатини назорат қилиш учун вилоят прокуратураси томонидан мутахассислар жалб қилинган ҳолда ишчи гуруҳлари тузилиб, текшириш ташкил этилган.

Ишчи гуруҳлар томонидан 15 та объектда ўтказилган ўрганишлар якунига кўра, амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ишларига қўшиб ёзиш ва бошқа усулда бюджетдан ажратилган маблағларни талон-торож қилиниши ҳолатлари аниқланди. Натيجада 8 та жиноят иши кўзга татилди. Шунингдек, етказ-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

зилган 1 млрд. 979 млн. сўм зарарининг 927,3 млн. сўми ундирилди. Яна 865,1 млн. сўмлик аниқланган сифатсиз қурилиш-монтаж ишларининг 577,2 млн. сўми баргараф этилиши таъминланди.

Хусусан, "Анд-Тех-Над" МЧК Бўстонлик туманидаги 15-сонли умумтаълим мактабини мукамал таъмирлашда талон-торожликка йўл қўйиб, мансаб сохтакорлигида ифодаланган жиноятни содир этган.

Жумладан, ўтказилган назорат ўлчовида Б. Сотволдиев мазкур мактабнинг мукамал таъмирланиши бўйича бажарилган ишларга 17,4 млн. сўм қўшиб ёзиб ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган. Мазкур ҳолат юзасидан кўзга тинган жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари якунига кўра, айблов ҳулосаси тасдиқланиб, жиноят ишлари бўйича Бўстонлик тумани судининг ҳукми билан Б. Сотволдиев ЖКНинг 167-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 1-қисми ва 228-моддаси 3-қисми билан айбдор деб топилди, тегишли жазо чораси тайинланди.

Афсуски, қурувчилик касбида доғ тушираётган айрим нопок кимсалар ҳеч қачон қурилиш ва таъмирлаш ишларини сифатли бажаришни ўйлашмайди. Шундай экан, мазкур жараёнларни мониторинг қилиш орқали қонунбузилишда айбдор бўлган шахсларнинг жавобгарлигини таъминлаш, энг асосийси, юқори сифатта эришиш мумкин.

А. МУХИДДИНОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори



БУ МАСКАНДА ИБН СИНОЛАР КАМОЛ ТОПАДИ

Мамлакатимизда коронавирус пандемияси тарқалган айни кунларда ўз ҳаётини хатарга қўйиб, касалликка чалинган юрдошларимизнинг саломатлигини тиклаш йўлида кечаю-кундуз тиним билмай меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларининг мардонавор меҳнатларини кўриб, давлатимиз раҳбари ҳамда ватандошларимиз шифокорларимизга ўз миннатдорликларини айтмоқдалар.

Айниқса, жорий йилнинг 7 апрель куни Президентимиз томонидан имзоланган "Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарор мамлакатимизда тиббиёт соҳасини янада ривожлантириш борасида катта қадам бўлди. Мазкур қарор соҳани профессионал мутахассислар билан таъминлаш, тиббиёт таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг маъфони ошириш, шунингдек, 2019–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни

сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни изчил амалга оширишга қаратилган билан янада аҳамиятлидир.

Қарорга мувофиқ соҳада бир қатор янгиликлар жорий этилмоқда. Жумладан, шифокорларга эҳтиёж юқори бўлган ҳудудлар учун 2020/2021 ўқув йилида бакалаврият ва магистратурага давлат гранти асосида ўқишга қабул параметрлари 50 фоизгача оширилиши режалаштирилган. Шунингдек, бакалаврият ва магистратура ўқув режаларидаги мутахассисликка оид бўлмаган фанлар 2

Кишлоқда бўлган бирор ҳодиса зум ўтмай бутун ҳудудда дув-дув гап бўлади. Худди шундай, жажоннинг олис бир пучмоғидаги ҳодиса лаҳзанинг ўзида оламни айланиб чиқмоқда.

Донишмандлардан бири "Ҳақиқат чоригини кийгунича, ёлгон дунёни айланб чиқади", деган экан. Зотан, бугун ахборот маконида ҳолисони ноҳолисдан, тўғрини эгридан ажратиш осон эмас. Муайян мақсад ва муддаолар юқланган ахборотлар ҳам шу қадар кўпки, у ҳар қандай инсонни, айниқса, ёшларни чаплатиши, расо йўлдан тойдириши ҳеч гап эмас. Мана шундай бир шароитда жамиятда рост ва ҳолис сўзга, расмий манбага эҳтиёж кучайиб бориши турган гап. Гарчи бунми хақиқат ҳам тан олавермасакда...

Шу маънода, ахборот истеъмолчиси сифатида мамлакатимизда фаолият юритаётган расмий оммавий ахборот воситалари, давлат телеканаллари, интернет нашрлари, босма матбуотни имкон қадар кузатиб боришга тўри келади. Бу рўйхатда бугун жамиятимизда тобора мустақкам ўрин тутиб бораётган эркинлик муҳитининг бевоқифа ҳосиласи ўлароқ вужудга келган "Ўзбекистон 24" телеканали камина учун алоҳида эътиборга молик.

Яширишнинг ҳолати йўқ, баъзан бизга бундай ўта расмий телеканаллар керакми, дея мунозарали савол қўйилишига, шу савол теварағида ҳолис-ноҳолис мунозаралар юритилишига ҳам гувоҳимиз. Агар мақсади кўпроқ кўнгил-очар дастурлар беришдан иборат бўлган бошқа каналларнинг фаолияти бу каби мунозараларга сабаб бўлганда, асло ажабланмаган бўлардим. Аммо, жамиятимиз аъзоларининг ахборотга бўлган эҳтиёжларини ўз вақтида ва сифатли қондиришдек миссиясини баҳоли қудрат янги форматда адо этиб келаётган телеканал теварағида бундай муҳокама ва мунозаралар баъзан ортқичадек.

Шу каби мунозараларнинг "чап қаноти"да турган ва баъзан расмий каналларнинг фаолиятини гўёки кераксизга чиқараётган кишиларга "ахборот" тушунчасининг мазмун-моҳияти ва унинг аҳамияти ҳақида озгина билганларимни аймоқчиман.

XX асрнинг охири ва асримиз бошига келиб ҳаётимизда "ахборот асри", "ахборотлашган жамият", "ахборот хуружи" каби тушунчалар пайдо бўлди. Бу эса бугунги кунда ахборот тушунчасининг аҳамияти ошганлигидан, қамрови кенгайганигидан, мақсад-муддаоси ўзгараётганлигидан дарак беради. Ахборот эндиликда бирор жараён, воқелик ёки ҳодиса ҳақида хабар бериш маъносидан аллақачон четга чиқиб, инсонлар онги ва руҳига таъсир этиш усулига айланди.

Тараққийнинг ҳозирги босқичига келиб, дунёда ахборот бозорида муносиб ўрин эгаллаш учун жиддий кураш кетмоқда. Хусусан, "Рейтерс" (Англия), "Синьхуа" (Хитой), "Анадолу" (Туркия), "ТАСС", "РИА Федерал-Пресс" (Россия), "Франс-Пресс" (Франция) каби дунёнинг йирик ахборот агентликлари ва нашрлари ҳозирда жажон ахборот маконида етакчилик қилиб келмоқда. Энг муҳим томони шундаки, дунё ҳамжамиятининг муайян ҳодисага нисбатан муносабатлари ушбу медиагигантларнинг ахборотлари орқали шаклланимоқда. Чунки, уларда ахборот манбалари учун энг муҳим бўлган тезкорлик мавжуд. Аммо, ахборотларнинг ҳолислиги, объективлигини масаласи ҳануз сўроқ остида. Ҳар қандай ахборот тарқатувчи йирик агентликлар муайян давлатнинг ёки иттифоқнинг мафдаатлари учун хизмат қилаётгани ҳам бугунги кунда сир эмас. Масалан, "Мен ўзбек телевидениесини умуман кўрмайман, фақат Россия каналларини кўраман", деб гўёки ўзига ўзи баҳо берадиган, шу тариха ўзини жамиятнинг илгор фикрловчи қатламга мансуб эканини таъки-

дламоқчи бўладиганлар бор. Бу соддаси тушмағулар баъзан ўзлари билмаган ҳолда муайян мафдаат ва мафжураларга хизмат қилаётган ахборотларнинг истеъмолчиси бўлаётганликларини ўйлаб ўтирмайдилар...

Ана шундай ҳолис-ноҳолис ахборотлар маконида яшар эканмиз. Уларнинг таъсирига тушиб қолмаслигимиз учун ҳам сизу бизнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларимизни қондирувчи қўчли миллий ахборот манбаларимиз бўлиши зарур. Уларни асосиз танқид қилиш ҳақида эмас, балки уларни замонга мослаштириш, тезкорлиги ва қамровини ошириш, халқимизнинг ҳолис ахборотга бўлган эҳтиёжларини сифатли қондириш ҳақида ўйласак, назаримда, тўғрироқ бўлади.

Соҳа мутахассисларининг фикрича, ахборот қуроллари остида бирор халқ, миллат менталитети, маданияти, маънавияти, дини, давлатнинг информация ва халқий ўсишига салбий таъсир ўтказадиган махсус дезинформацион технологик воситаларнинг муайян тизими ётади.

Бугунги кунда ҳар бир инсон кенг қўламда ахборот тарқатиш имкониятига эга. Турли ижтимоий тармоқлар

лувчи, турли экстремистик ва террористик гояларни, инсониятга қарши қурол кўтаришга ундовчи, ўз-ўзини ўлдиришга чақирувчи, наркотик ва одам савдоси билан боғлиқ мақсадларни кўзловчи, "оммавий маданият"ни тарғиб қилувчи барча ахборотлар ўзига хос таъсир этиш имкониятларига эгаки, бу "алдамчи жилваланишлар"га, кўп ҳолларда, ақлий ва маънавий жиҳатдан ҳали тўла шаклланиб улгурмаган ёшлар "мафтун" бўлиб қолмоқда. Ҳатто, бундай ғаразли мақсадлар ўз табиати билан эзгуликка хизмат қилиши керак бўлган санъат асарлари (кино, анимацион фильмлар, мусика, кўшиқ, рақс ва бошқалар) замирига ҳам синдириб юборилмоқдаки, бу каби "қоса тағидаги нимқоса"ларни англаш учун инсонлардан теран ақл-заковат ва бир қараганда кўриш мумкин бўлмаган, аммо ҳаётда реал мавжуд бўлган ахборот хуружларини кўра олиш ахборот маданият шаклланиган бўлиши лозим.

Ҳўш, биз ашаб турган оламда ўзига хос "алдамчи жилвалари" билан ўзига ром этувчи, матн, товуш ёки тасвир ортида бир қарашда англаш мумкин бўлмаган, аммо айрим гуруҳ ва жамоаларнинг ғаразли мақсадларини тарғиб

ҲАҚИҚАТ ЧОРИҒИНИ КИЙГУНЧА, ЁЛФОН ДУНЁНИ АЙЛАНИБ ЧИҚАДИ...МИ?

орқали тарқатилаётган ахборотларни қабул қилишнинг ўзиёқ бизни шошириб қўймоқда. Уларни таҳлил қилишни ҳозирча айтмайман. Аммо, ижтимоий тармоқлардаги ахборотлар кишиларнинг ўша ахборотга бўлган ишончини оқлай олаётми дейлмайми. Бугунги гап эртага тўғри келмаслиги мумкин. Мен ижтимоий тармоқлардаги ахборотларни ҳали тозаланмаган бўғдой ҳосилига ўхшатаман. Унинг орасида дон (яъни ахборот) билан бирга сомон, турли хас-хашақлар (ноҳолис ва ёлгон ахборотлар) ҳам мавжуд. Аммо, ижтимоий тармоқлар орқали ахборот тарқатилиши бугунги куннинг реал ҳақиқати ва телевидение, радио ва босма ахборот нашрлари улар билан тезкорлик бобида беллаша олмайдми. Ушбу ахборот манбалари бундай шароитда ўзларининг ҳолис, таҳлилий-танқидий, салмоқдор, кенг қамровли материаллари билан ахборот истеъмолчиларининг эътиборини ўзига қаратиши мумкин.

Ахборот истеъмолчиларининг аудиторияси ёш нуктаи назаридан чегара билмайди. Ахборот олишга бўлган эҳтиёж ёшларда катталарга нисбатан бир неча марта ортқича. Чунки, ёшларнинг билишга нисбатан қизиқувчанлиги, ахборотга бўлган эҳтиёжининг ҳали қондирилмаганлиги уларнинг ахборот олиш борасидаги фаоллигига сабаб бўлади. Ахборотга бўлган эҳтиёжнинг қондирилиши ижобий ҳолат, аммо ҳеч қандай асосга эга бўлмаган, бир қарашда беозоргина бўлиб кўринган, лекин мақсад-муддаоси ғаразли ахборотларга ёшларнинг алданиб қолаётганлиги ташвишланарлидир. Давлатларнинг сийёсий қарашларини нотўғри талқин қи-

зувчи пинҳона ахборот хуружлари мавжуд экан, шундай шароитда биз ўзимизда мавжуд бўлган ва миллий менталитетимизга мос келадиган расмий ахборот манбаларига қўлоқ тутишимиз, уларни қўллаб-қувватлашимиз, ривожлантиришимиз керак эмасми?

Масалан, дейлик, "Ўзбекистон 24"нинг информациядан дастурларида шундай материалларга кўзимиз тушиши мумкин. Ям-яшил бўғдойзорлардан тайёрланган лавах, экинга суспензия сепалган миришкорлар, уни сугоралган сувчи-деҳқонлар, уларга яратилаётган имкониятлар, доннинг ҳарид нархи ошиб, деҳқоннинг қосаси қараётгани ва ишлохотлардан миннатдорлик ҳақидаги гаплар. Бу лавах қимлар учундир баландпарвоз гап, ўринсиз маддоҳлик, бир тийинга аримас ахборотдек туюлиши мумкин. Бинобарин, бугун бунақа тусдаги ахборотни бирор интернет сайти бермаслиги ҳам аниқ. Лекин, эртага ноннинг нархи юз сўмга қўтарилса, ана унда кўринг томошани! Интернет ахборот манбалари бамисли "портлайди"! Ўзларидан сохта қадрамон, халқ дарадини баралла айтувчи довурак блогерларни ясаб оладиганлар кўпаяди. "Ўзбекистон 24" каби расмий манбалар эса, вазминлик ва теранлик билан эътиборни мана шундай лавахларга қаратади, кераксиздек қўринган материал билан ризқ-рўзимиз бунёдқори бўлган ғаллакор деҳқонни, сувчининг машаққатли меҳнатини кўрсатади, уларга маънавий рағбат беради, шу тариха давлатнинг озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш босқичидаги ахборотларнинг халққа тушунтирилади, қўллаб-қувватлайди. Буни билган бўлади, тушунган тушунди...

Мухтасар айтганда, бизга "Ўзбекистон 24" каби телеканаллар сув ва ҳаводек керак. Шу билан бирга, ундаги ахборотларни узатиш сифати, креатив ёндашуларни янада кучайтириш, тележурналистлар касбий маҳоратини ошириб бориш зарурати ҳам бор. Аммо, бу энди алоҳида мазву.

Умид ХўЖАМҚУЛОВ,
Чирчиқ давлат педагогика институти доценти,
филология фанлари номзоди

Муносабат |

баробарга қисқартирилади ва ўрнига замонавий диагностика ва даволлаш усулларини ўрганиш фанлари киритилади.

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб юртимизнинг барча ҳудудларида фаолият юритаётган тиббиёт коллежларининг 47 таси Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари этиб қайта ташкил қилинади. Улар орасида Олмалик шаҳар тиббиёт коллежи ҳам борлигини алоҳида эътироф этиш керак.

Шу ўринда табиий савол туғилади. Бу техникумларнинг афзаллик жиҳатлари нимада? Бу ўзгаришнинг соҳа ривожига таъсири қандай бўлади?

Мазкур техникумини муваффақиятли тасмоллаган битирувчилар ўз соҳасига мос тиббиёт олий таълим муассасасига кириш имтиҳонларисиз, яқна тартибдаги суҳбат орқали 2-курсдан қабул қилинади. Эътиборлиси, мазкур техникумлар-

нинг ўқув режалари ва фан дастурлари илгор хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилади. Муассасаларда тиббиёт олий таълим муассасаларининг юқори малакали профессор-ўқитувчилари масофавий таълим орқали дарс машғулоти олиб боришади. Бу каби омилар, албатта, соҳа ривожига, таълим сифатининг янада яхшилланишига ҳамда кадрлар салоҳиятига хизмат қилади.

Дарвоқе, мамлакатимизнинг қўллаб-қувватлаш малакали шифокорларга эҳтиёж катта. Айниқса, аср вабоси – коронавирус пандемияси шароитида ҳар бир тиббиёт ходими ҳисобида. Ишонимизки, мазкур қарор юқоридаги муаммоларнинг ижобий ечим топишига хизмат қилади.

Олтиной АБДУРАҲМОНОВА,
Олмалик шаҳар тиббиёт коллежи ўқитувчиси


Муносабат

Тахририятимизга солиқ идорасидан кўнгирақ бўлди. Солиқ ходими ўтган ой бўйича тахририят ишлаб чиқарган маҳсулоти учун қўшилган қиймат солиғини (ҚҚС) тўлаши кераклигини айтди. Биз жорий йилда тахририят ҚҚСни тўласа, йил охирига бориб моддий томондан қийналиб қолишимизни тушунтирдик. Солиқ хизмати ходими эса ҚҚСнинг бизга умуман оғирлиги тушмаслиги, чунки қўшилган қиймат солиғи истеъмолчидан олинишини қисқача тушунтирди ва бу билан бизнинг тинчланганимиз бўлди. «Яшанг» деб юбордик

ва гапини яна бир бор тасдиқлаб олиш учун: «Чинданми?» деб сўрадик, у ҳеч иккиланмай: «Албатта» деди. Ҳақиқатан ҳам қонунда шундай, қўшилган қиймат солиғи билвосита солиқ ҳисобланади, унинг ҳақиқий юки маҳсулотни ишлаб чиқарувчига эмас, балки шу маҳсулотнинг охирига истеъмолчисига тўғри келади, чунки бу солиқ маҳсулот қийматида киритилиб, харидор томонидан тўлаб берилади.

Шундай экан, унда жорий йилда тахририятлар билан ҚҚС ўртасидаги муаммо нимада?

ҚҚС. Солиқ ва мантик



Ҳаммага маълумки, тахририятлар келгуси йил учун обунани бир йил аввал, сентябрдан декабргача бўлган вақт оралиғида ташкиллаштиради. Шунга асосан, 2020 йил учун обуна асосан 2019 йилнинг охирига ойларидан уюштирилган. Бу даврда эса, эски тахрирдаги Солиқ кодексидан оммавий ахборот воситаларининг даврий босма нашрлари (реклама тусидаги босма нашрлар бундан мустасно) учун имтиёз бор эди. Шунга асосан, тахририятлар обуначидан, яъни истеъмолчидан 2020 йил учун ҚҚСни ундирилмаган ҳолда обуна қилган.

Айни вақтда моддий қийинчиликларни бошдан кечириётган ижтимоий-сиёсий газеталарнинг ҳолатидан хабардор бўлган ҳукумат мазкур соҳага жиддий эътибор қаратмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари муассислигидаги даврий босма нашрларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг фаолиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сайтига жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилган. Лойиҳадан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ҳокимиятлар ўз нашрлари тахририятларини балансидан биноларга ижара тўловисиз жойлаштириш, эътиёж бўлганда ходимларнинг маошларини бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан қоплаш, соф фойдани тахририят ҳисобида қолдириш каби бир қатор муҳим масалалар ўрин олган. Эътибор берган бўлсангиз, ҳукумат қарори лойиҳасидан ўрин олган масалалар асосан босма нашрларни иқтисодий томондан қўллаб-қувватлашга қаратилган. Аммо, янги Солиқ кодексини ишлаб чиқишда на Молия

вазирлиги, на Давлат солиқ қўмитаси мутасаддилари, қолаверса, халқ вакиллик органи бўлган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам бу ҳолатга эътибор беришмагани боис айни вақтда босма нашрлар мазкур ҳолатга дуч келмоқда. Ҳукумат эса уларга ёрдам беришга ҳаракат қилмоқда. Бу ўз-ўзидан икки ўртада тушунмовчиликка сабаб бўлмайтими? Мантиқан олиб қараганимизда, бир томоннинг эътиборсизлиги ортидан вуқудга келган муаммога иккинчи томон ечим топишга ҳаракат қилаёпти. Мамлакатимизда чоп этилаётган турли йўналишдаги газета ва журналлар эгасиз эмас, яъни ҳар бирининг ўз муассиси бор. Суд, маҳаллий ҳокимлик органлари, турли вазирлик ва қўмиталар, сиёсий партиялару уюшмалар, нодавлат-нотижорат ташкилотлар муассислигидаги газета-журналлар узоқ йиллардан бери нашр этилади. Уларда муассиснинг тарихи келажак авлодларга мерос бўлиб қолади.

Хулоса қилиб айтганда, босма нашрларни қийнаётган ҚҚС муаммосига ечим топиш бугунги кунда долзарб бўлиб қолмоқда. Бу йил шу муаммо ҳал этилса, келаси йил обунасини ҚҚСни қўшган ҳолда уюштириш мумкин. Лекин, бу ҳам масаланинг тугал ечими эмас. Негаки, ўзи шундоқ ҳам қоғоз, босма-хона сарф-харажатлари ошиб, таннархи кўтарилиб бораётган газеталар учун ҚҚС жорий этиб, уни газетхон зиммасига юклаш ҳозирги шароитда шартмикин? **Камолитдин АСҚАРОВ,** журналист

Шу ерда ҳақли савол туғилади. Бу йил йиллик пул айланмаси 1 млрд. сўмдан ошган тахририятлар энди ҚҚСни истеъмолчининг ҳисобидан эмас, ўз ҳисобидан тўлайдими?

Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, тахририятлар асосан обунадан кун кўради. Ижтимоий-сиёсий газеталар деярли сотувга чиқарилмайди. Бу йил учун уюштирилган обуна мавсумида

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Тошкент вилояти транспорт бошқармаси томонидан

Чернобыль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошдан кечирган:

- Ким Роман номига берилган О'зР №122175-рақамли;
- Атақулов Мавлян номига берилган О'зР №121287-рақамли;
- Мажитов Абдулвоҳит Абдулаҳитович номига берилган О'зР №120223-рақамли;

Кўзи ожиз I гуруҳ ногирони ва кўзи ожиз ногиронга ҳамроҳлик қилувчи:

- Биноков Александр Викторович номига берилган О'зР №121534-рақамли;
- Латипова Гузалия Мирғазияновна номига берилган О'зР №121524-рақамли;
- Тожиева Зубайда номига берилган О'зР №121523-рақамли;
- Ходжаев Ашрап Абиталипович номига берилган О'зР №121338-рақамли;
- Абдуллаев Убайдулла номига берилган О'зР №121172-рақамли;
- Норматов Исмаил номига берилган О'зР №121133-рақамли;
- Серуева Анархал Нурқулловна номига берилган О'зР №120111-рақамли;

1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари жумласидан бўлмиш ҳарбий хизматчилар:

- Хасанов Джуро Хасанович номига берилган О'зР №121597-рақамли;
- Мирзалиев Икрам Акрамович номига берилган О'зР №121387-рақамли;
- Захарченко Константин Василевич номига берилган О'зР №121190-рақамли;
- Улмасов Заҳид номига берилган О'зР №121115-рақамли;
- Лаптева Наталя Иосифовна номига берилган О'зР №120853-рақамли;

1941-1945 йиллардаги уруш даврида фронт ортида фидокорона меҳнати ва бенуқсон ҳарбий хизмати учун орден ва медаллар билан тақдирланган:

- Турсунбоев Тошпўлат номига берилган О'зР №121475-рақамли;
- Юсупов Сайдирахим Сайдахматович номига берилган О'зР №121452-рақамли;
- Кан Петр номига берилган О'зР №121319-рақамли;
- Мирзахмедов Хамид номига берилган О'зР №121258-рақамли;
- Ахунбеков Қасым номига берилган О'зР №121210-рақамли;
- Латипова Насима Латиповна номига берилган О'зР №120912-рақамли;
- Раимов Қушак номига берилган О'зР №120839-рақамли;
- Тажидбаев Турсунбай номига берилган О'зР №120691-рақамли;
- Ходжаев Мухамед Ҳакимович номига берилган О'зР №120532-рақамли;
- Юсупов Аҳмаджон номига берилган О'зР №120048-рақамли;
- Асангельдиев Илишбай номига берилган О'зР №120038-рақамли;

1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва урушнинг I гуруҳ ногиронига ҳамроҳлик қилувчи:

- Ёқубов Маҳаматжон Абдуллаевич номига берилган О'зР №121058-рақамли;

Афғонистон Республикасида ва бошқа мамлакатларда жанговар ҳаракатларда қатнашган байналминналчи жангчилар:

- Джамалов Азмутдин Салайтидинович номига берилган О'зР №121936-рақамли;
- Хайдаров Эргаш Хамдамович номига берилган О'зР №121925-рақамли;
- Чудбеков Абдуманноп Абдухаликович номига берилган О'зР №121817-рақамли;
- Позилбеков Владимир Абишевич номига берилган О'зР №121722-рақамли;
- Мутаев Валерий Иванович номига берилган О'зР №121716-рақамли;
- Ахмулдаев Зайниддин Тавашевич номига берилган О'зР №121694-рақамли;
- Мирзахаримов Қудратилла Курваналиевич номига берилган О'зР №121542-рақамли;
- Миннияхметов Сабитжан Кавиевич номига берилган О'зР №121471-рақамли;
- Хамидов Ибраҳимжон Абдуллаевич номига берилган О'зР №121393-рақамли;
- Эшқурбонов Холияр номига берилган О'зР №121301-рақамли;
- Насриддинов Тожибой Насриддин ўғли номига берилган О'зР №121296-рақамли;
- Абдурахманов Мурат Абдужалилович номига берилган О'зР №121230-рақамли;
- Шарахимов Эркин Исанович номига берилган О'зР №121055-рақамли;
- Мансуров Эсанбай номига берилган О'зР №121051-рақамли;
- Дарханов Абдували номига берилган О'зР №121048-рақамли;
- Хайдаралиев Қудратилла Курваналиевич номига берилган О'зР №120906-рақамли;
- Назиров Рамазан Эргашевич номига берилган О'зР №120878-рақамли;
- Махаматрахимов Убайдулла номига берилган О'зР №120780-рақамли;
- Кузиев Элдор Тулқунович номига берилган О'зР №120723-рақамли;
- Абдуллаев Абдумалик номига берилган О'зР №120617-рақамли;
- Алиев Акбар Самарович номига берилган О'зР №120583-рақамли;
- Латифов Шавкат Юлдашевич номига берилган О'зР №120466-рақамли;
- Сабирдинов Руздат номига берилган О'зР №120064-рақамли

“Шаҳар йўловчилар транспортда (таксидан ташқари) бепул юриш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома ва варақалар”лар, ушбу гувоҳнома эгаларининг вафот этганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНСИН.**

"STOLICHNIY KREDIT" МЧЖ

Жамиятнинг 2019 йилги бухгалтерия баланси

№	Актив	Йил бошига		Йил охирига	
		Йил бошига	Йил охирига	Йил бошига	Йил охирига
1	Асосий воситалар	18984	15840	Устав капитали	530000,0
2	Узоқ муддатли инвестициялар	0,0	0,0	Қўшилган капитал	0,0
3	Капитал қўйилмалар	0,0	0,0	Резерв капитал	80679,0
4	Товар-моддий захиралари	7021	574	Тақсимланмаган фойда	559269,0
5	Дебиторлар	131802	153588	Мақсадли тушум ва фондлар	0,0
6	Пул маблағлари	23057	99496	Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар	0,0
7	Қисқа муддатли инвестициялар	1324640,0	1438510,0	Узоқ муддатли мажбуриятлар	0,0
8	Бошқа активлар	0,0	3174,0	Жорий мажбуриятлар	335556
	Жами, активлар	1505504,0	1711182,0	Жами, пассив	1505504,0

Жамиятнинг 2019 йилги молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи

Кўрсаткичлар номи	Даромад		Харажат
	Даромад	Харажат	
Маҳсулот сотишдан тушган соф тушум	1550224,0		
Сотилган маҳсулотлар таннари			
Маҳсулот сотишдан тушган ялли фойда	1550224,0		
Давр харажатлари, жами:			319551,0
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	466700,0		
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами	1697373,0		
Фоидалар шаклидаги харажатлар			210710
Даромад солиғи тўлаунга қадар фойда	179312,0		
Даромад (фойда) солиқ			0
Фойдадан бошқа солиқлар ва йигимлар			
Ҳисобот даврида корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда (зарар)	1307351,0		

Жамиятнинг 2019 йилги молиявий-ҳўжалик фаолияти яқунлари МЧЖ шаклидаги «TRANS-AUDIT-A»АО аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилган.

"HAMKOR KREDIT" МЧЖ

Жамиятнинг 2019 йилги бухгалтерия баланси

№	Актив	Йил бошига		Йил охирига	
		Йил бошига	Йил охирига	Йил бошига	Йил охирига
1	Асосий воситалар	38 372,10	32 269,20	Устав капитали	1 282 698,30
2	Узоқ муддатли инвестициялар			Қўшилган капитал	
3	Капитал қўйилмалар			Резерв капитал	192 404,70
4	Товар-моддий захиралари	7 976,40	7 338,30	Тақсимланмаган фойда	2 158 261,90
5	Дебиторлар	525 885,00	552 291,20	Мақсадли тушум ва фондлар	
6	Пул маблағлари	71 892,10	103 105,10	Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар	
7	Қисқа муддатли инвестициялар	4 126 285,00	4 423 510,00	Узоқ муддатли мажбуриятлар	
8				Жорий мажбуриятлар	1 137 045,70
	Жами, активлар	4 770 410,60	5 118 513,80	Жами, пассив	4 770 410,60

Жамиятнинг 2019 йилги молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи

Кўрсаткичлар номи	Даромад		Харажат
	Даромад	Харажат	
Маҳсулот сотишдан тушган соф тушум	5 993 985,50		
Сотилган маҳсулотлар таннари			
Маҳсулот сотишдан тушган ялли фойда	5 993 985,50		
Давр харажатлари, жами:			1 183 471,40
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	1 013 190,70		
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами	5 823 704,80		
Фоидалар шаклидаги харажатлар			276 316,20
Даромад солиғи тўлаунга қадар фойда	5 547 388,60		
Даромад (фойда) солиқ			669 653,80
Фойдадан бошқа солиқлар ва йигимлар			
Ҳисобот даврида корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда (зарар)	4 877 734,80		

Жамиятнинг 2019 йилги молиявий-ҳўжалик фаолияти яқунлари МЧЖ шаклидаги «TRANS-AUDIT-A» аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилган.

Ҳосил мўл, кўнгли тўқ

Томорқачилик

Бекобод тумани, «Ўзбекистон» маҳалласидаги 650 та оила ихтиёрида 80 гектардан ортиқ томорқа бор.

Ҳар бир хонадон эгалари томорқани хазина билиб, унинг ҳар қаричидан самарали фойдаланиб, мўл ҳосил олишмоқда. Жумладан, Абдуқодир ота Салимбоев томорқасида деҳқончилик қилиб, етиштирган ҳосилини маҳалладошлари билан баҳам кўрмоқда.

– Мўжазгина иссиқхонамида эртапишар бақлажон, бодрийг экиб, 30 миллион сўм даромад олишни мўлжаллаганмиз. – дейди Абдуқодир ота. – Ҳосилдан бўшаган ерга кечки помидор экамиз.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат



МОҲИЯТ

Бу куннинг табири сабабли эртанинг талбиринга эҳтиёжи қолмаган киши ақлдилар, яъни у киши эртанинг талбирини ҳам, албатта, қилажак.

Беруний

Агар ақлингни қўли нафсининг жиловини ушласа, сени ёмон йўллarga кирмоқдан сақлар. Ҳар нарса бўлса, баҳоси арзон бўлур, ақл эса илм ва тажриба соясида қанча кўнайса, баҳоси қимматбахо бўлур.

Авлоний

Инсон юксак камолотга эришув йўлида ҳаракат қилса, ҳеч шубҳасиз, ўзи интилаган сўнгги даражадаги бахт-саодатга эришадди.

Фаробий

Подонликнинг ҳам, касалликнинг ҳам сабаби – бекорчилик.

Ибн Сино

Биз дунёни гуллаб-яшнаши, денгизларини кезиб ўрганиш, ер ости бойликларини топиш, ернинг ҳамма китъалари ва аҳолисини билиш учун яралганмиз.

Аҳмад Донниш

Урушқок ва жанжалкаш киши хафалик ва шодлик орасида яшайди.

Замахшарий

Ҳазал соғинчи “Муҳаббат” деб ёзинлар ташҳисига

Чидолмасдан кўзингни наригизига,
Қилурман арз биридан наригизига.

Гаҳи ойга, қуёшга дўнди рўйинг,
Агар кирсам чаманга, гул тусига.

Сабо бирланму келди, ёр, саломинг
Димоғим тўлдирур гулбарг исига.

Юзунг, кўзунг, лабинг орзум, наҳотки,
Ўлиб етсам тирикнинг мажлисига.

Кетар Дил гар демай дардини ошкор,
“Муҳаббат” деб ёзинлар ташҳисига.

Чидолмасдан кўзингни наригизига,
Қилурман арз биридан наригизига.

Ҳажринг туни битмайдир, ёр, тонгга етарманми,
Бир сас, бир имо ё бир шарпанга етарманми?

Жон қуш каби талпингай, кўксимда патирлайди,
Эй гул, очилур чоғинг гулшанга етарманми?

Кўз абрини ҳар ерда, ҳар кимга тўқар нодон,
Денгизга тўқилмоқ чун найсонга етарманми?

Раҳм айла Дилоромга, ҳар иш ўзинга осон, –
Сан манга етарсан, лек ман санга етарманми?

Дилором ЭРҒАШЕВА

Музробнинг давола-ниб келганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Опаси оғирлашиб қолди. “Бўлмайдиган”га ўхшайди. Тинмай “дадам”лаб хансираяпти... Музроб ўзи хохламас ҳам опасининг истагини бажариши керак. Дарвозадан отилиб чиқди. Дадасининг иккинчи рўзғори билан ашаётган ҳовлиси унча узоқ эмас, кўшни қишлоқда...

Музробнинг оёқлари қақшаб оғирди. Худдики моҳир қассоб оёқларини кундага қўйиб, қийма-қийма қиларди. Сабаби, болагинида гузарга “талонга оқёғ, ун, гўшт келди” хабарини эшитиб, қалин қор оралаб елдек югурганди. Кенгача изгиринда навбат кутиб суяк-суягига совуқ ўтган...

Ҳозир у шундай югурардики, оғриқларга парво ҳам қилмасди...

Бу Суқсурнинг сўнгги истаги бўлса-чи?! Дунёдаги жамики уқалар бирлашсин,

Музробчалик ҳеч ким опасини яхши кўрмайди. Опасининг қанд касали асоратини кўрсата бошлагандан бери уй юмушлари билан овунар, остонадан ҳатламасади. Сочлари тақим ўпар, қомаги сарвадек. Кўзла-

дири) чиқиб қолса, “дўкон”га Музроб қараб ўтирарди. Бултур Музробнинг виждони қийналиб, ҳассасига таяниб: “Дори-дармонга пул топиб келаман” деб, шаҳарга иш излаб борганди. Унга мос иш қаёқда дейсиз! Кун

СЎНГГИ ИСТАК

(ҲИКОЯ)

ри чарос, хуллас, Суқсурмасан Суқсур! Бирон йигитнинг кўнглига тушишдан, бирон йигитга кўнгли тушишидан кўриб, мактабни битирдию, уй қизи бўлди-қолди.

Онаси – Муниса хола, маҳалланинг бошида писта-курут сотарди. Тирикчиликлари шундан. Баъзан тузукроқ иш (тўй-ҳашамларда идиш-товоқ ювиш, мактаб-боғчаларда супир-си-

тикаламай қорни очиб, тинкаси қуриди. Йўл четида чўк тушиб оёқларини бир-бир уқаларди. Ёнидан дадаси – Отаназар ойимчаси билан қизчасини етаклаб утиб қолди. Музроб бир кўришда таниди. Ортидан оқсоқланиб бордида, елкасига кафтини қўйди. Отаси ўгирилиб қарадию бегонасиради.

Қўлида ҳасса, яримжон, эғнида оҳори тўқилган қўй-

лак, кўзларига ҳазин чўккан йигитни кўрсангиз ким деб ўйлардингиз?! Ҳа, ота ҳам чўкчак қавлаёт кетди. Бирок, ўглининг майин овозда “дада” дейиши билан юраги шув этиб, сесканди. Ломлим демай бир муддат ти-

Музробнинг умидлари янчилди. Пул гижимлаган қўли муаллақ қолаверганди... Энди эса оқ-наҳор қолганларида бир марта ҳам йўқламаган, суянгиси келганида юз ўтирган отасининг ёнига чопқиллаб кетаяпти.

Музроб бу йили онасининг қистови билан давола-ниб, буйиб-баста, оқ оралаган сочларини ҳисобга олмаганда, унга буйдоқлик кезларини эслатарди.

Ота эсанкираб, қўлидаги уч-тўрт сўмни унинг қўлига ушлатдида терс бурилиб, қизчасини кўтарганча шаҳадат қадам ташлай кетди.

Музроб бу йили онасининг қистови билан давола-ниб, буйиб-баста, оқ оралаган сочларини ҳисобга олмаганда, унга буйдоқлик кезларини эслатарди.

қолганида гурсиллаб, юзубан йиқилди...

...Суқсурнинг жони кўлмақдек бўлганиб борарди. Онаси нима қилишини билмасди. Қаршинида фарзандинг жон талашиб ётса кўлингдан ҳеч нарса келмас – ана азоб!

Аср намози пайти. Музробни оғирлаб дадаси кириб келди... Ўғлини қаравотга ўтқаздида, Суқсурнинг сочларини кўларини сийлаб, кўзёшларини тўхтатолмади. Суқсур эса: “Дада, мендан рози бўлинг” дея олди, холос...

Музроб опасининг қабри бошида бир қўлида онасини кучиб, бир қўлида ҳассасига таяниб тураркан, қабристоннинг чиқши эшиги томон бошини қўйи солиб кетаётган отасига кўзи тушди... Дарров нигоҳини осмонни қоплаган булутлар бағрига қадади. Қўешнинг нурлари оҳиста қора пардани йиритиб, унинг кўзларини қамаштирарди...

Муҳаммад СИДДИҚ

Буюк Британиянинг “Daily Telegraph” газетаси энг яхши 10 та мумтоз асарлар рўйхатини эълон қилди. Газета экспертларининг маълум қилишича, айнан шу китоблар дунёни ўзгартирган, вақт чиғиривидан ўтган асарлардир.

йиллар орасида 10 марта экранлаштирилган.

7-ўрин. Лев Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” эпопеяси

Рус ва жаҳон адабиёти хазинасидан мустаҳкам ўрин олган “Уруш ва тинчлик” эпопеяси Толстойнинг энг гўзал ижод намуналаридан биридир. Айрим рус адабиётшунослари гарчанд бу асарни Толстойнинг ўз даври муаммоларидан қочиши, деб баҳолаган бўлсалар-да, ёзув-

Мутолаа

4-ўрин. Жонатан Свифтнинг “Гулливёрнинг саёхатлари” романи

Инглиз ёзувчиси Жонатан Свифтнинг ушбу романи инглиз жамиятидаги иллатларни фош этувчи аччиқ сатира, ўткир айбонмадан иборат. Гулливёрнинг хаёлий ўлкалар – лилипутлар (митти одамлар), бробдингнеллар (улканлар), гуингнмлар (ақлли отлар) мамлакатларига қилган саёхатлари билан боғлиқ ҳолда адиб реал воқеликдаги янгича муносабатлар, босқинчилик урушлари, давлат идораларидаги сотқинлик, судьяларнинг

Дунёдаги энг яхши мутолаа асарлар

10-ўрин. Жорж Элиотнинг “Миддлмарч” асари

Инглиз адибаси Жорж Элиотнинг ушбу романи қахрамонлари дунёни муҳаббат, меҳр билан ўзгартришга шиддат билан киришган кишилардир. Асар қахрамонлари Британиянинг Миддлмарч шаҳарчасида танишадилар. Уларнинг ҳар бири ҳаётда ўз мақсадларига эришиш йўлида курашадилар. Китоб 1871-72 йиллари чоп этилади. Китоб асосида 1994 йили фильм ишланган.



9-ўрин. Гюстав Флобернинг “Бовари хоним” асари

Француз ёзувчиси Гюстав Флобернинг ушбу романи 1856 йили “Ревю де Пари” журналида чоп этилган. Гарчи муаллифга ушбу асари учун турли айбловлар қўйилган бўлса-да, кўплаб адабиётшунослар асарни юқори баҳолаган. Иван Тургенев ҳам “Бовари хоним”ни тенгсиз асар дея таърифлаган. Китоб бир неча марта экранлаштирилган. Ушбу асар ўзбек тилига ҳам таржима қилинган.

8-ўрин. Уильям Теккерейнинг “Манманлик кўрғазмаси: қахрамонсиз роман”и

Инглиз ёзувчиси Уильям Теккерейнинг Наполеон урушлари ҳақидаги ушбу романи 1847-48 йиллари “Пунч” ҳажвий журналида чоп этилган. Унда инсон феъл-атворининг энг қора саҳифалари ўткир юмор билан тасвирланган. Асар 1911-2004

чи бу романи билан ўз даврида рўй берган ва ўзи шахсан гувоҳ бўлган воқеаларга фаол муносабат билдирган. Энг муҳими, у Наполеоннинг 1805-07 ва 1812-14 йиллардаги ҳарбий юришлари мавзуга мурожаат этиб, кўплаб қахрамонлар иштирок этган эпик воқеалар билан бирга қахрамонларнинг рухий тасвирлари илк бор катта маҳорат билан уйғунлашган тарихий роман жанрини яратди. Ушбу китобда 550 дан ортиқ қахрамонлар мавжуд бўлиб, улардан 200 нафари тарихий шахслардир. Асар 1913-2016 йиллар орасида 11 марта экранлаштирилган.

6-ўрин. Чарльз Диккенснинг “Дэвид Копперфильд” асари

Инглиз ёзувчиси Чарльз Диккенснинг таржимаи ҳол йўсинидаги “Дэвид Копперфильд” романида ўша замоннинг ижтимоий зиддиятлари кўрсатилган. Толстой ва Достоевский ҳам романдан таъсирланганларини ёзишган. Асар 1911 йилдан бошлаб бир неча марта экранлаштирилган.

5-ўрин. Шарлотта Бронте-нинг “Жейн Эйр” асари

Инглиз адибаси Шарлотта Бронте-нинг ушбу романи 1847-йили Каррер Белл тахаллуси остида чоп этилади. Романда бош қахрамоннинг ҳиссий дунёси ўқувчини ҳайратга солади. Асар асосида бир неча фильм ва сериаллар ишланган.



адолатсизлигини акс эттирган. Асар 1902-2010 йиллар орасида 10 марта экранлаштирилган. Бу асар ўзбек тилига Сотиболди Йўлдошев томонидан таржима қилинган.

3-ўрин. Жейн Остиннинг “Фурур ва хурофот” асари

Инглиз адибаси Жейн Остиннинг ушбу романи 1796-1797 йилларда ёзилган бўлса-да, узоқ йиллар нашриётлар томонидан рад этилиб, чоп этилмади. Роман 1813-йилдагина нашрдан чиқади. Асар асосида бир неча фильмлар ишланган.

2-ўрин. Энтони Троллопнинг “Барсетшир солномалари” асари

Инглиз ёзувчиси Энтони Троллоп (1915-1882)нинг олти романдан иборат ушбу тўплами викториан даври ҳажвий адабиётининг юксак намунаси ҳисобланади. Муаллиф асарда ўз даврининг сиёсий, ижтимоий масалаларини ҳажв йўли билан очиб ташлайди. Ушбу асар асосида 1982 йили фильм ишланган.

1-ўрин. Хомернинг “Илиада” ва “Одиссея” асарлари

Қадимги юнон мутафаккири Хомернинг бу асарлари қахрамонлик эпоси бўлиб, юнон мифологияси асосида яратилган. Шу билан бирга, уларда фақат шеърлар, афсоналар ва ривоятларгина эмас, реал тарихий воқеалар ҳам акс этган. Ушбу асарлар жаҳон адабиётига катта таъсир ўтказган. Маъмур эпосларни ўзбек тилига Қодир Мирмуҳамедов маҳорат билан ўтирган.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ**

Бош муҳаррир
**Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ**

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи – 205. Буюртма Г-643. 12 073 нусхада чоп этилди. Ҳажми – 2 табоқ. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Қабулхона: (71) 233-64-95
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Масъул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-54-10

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма-хонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Электрон почта: toshkenthqiqati@umail.uz // th-tp@inbox.ru

Манзилимиз:
111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.

Тошкент шаҳридаги офисимиз:
100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ҳафтаaning чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш
ЭҒАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусоҳиҳ
Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи
Равшан БАЙЖАКОВ